

УДК: 8/809.1

БАДИИЙ АДАБИЁТДАГИ РАМЗИЙ – МАЖОЗИЙ ТАСВИРНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**Н.Тоирова****Аннотация**

Мақолада рамз ва мажознинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Мисоллар асосида рамзий тасвирнинг бадиий асар поэтикасидаги ўрни очиқ берилган.

Аннотация

В статье анализируются общие и специфические особенности символа и аллегии. На примерах раскрывается роль символистического изображения в поэтике художественных произведений.

Annotation

The article analyzes the issue of the general and specific features of symbol and allegory. The role of symbolic image of artistic works is disclosed on given examples.

Таянч сўзлар ва иборалар: рамз, мажоз, поэтик символ, бадиий адабиёт, тасвир, маданият, белги, контекст.

Ключевые слова и выражения: символ, метафора, поэтический символ, художественная литература, изображение, культура, знак, контекст.

Key words and word expressions: symbol, metaphor, poetic symbol, literature, image, culture, sign, context.

Рамзларнинг ҳаётимиздаги ўрни нақадар катта эканлигини буюк Хитой файласуфи Конфуцийнинг “Оламни сўз ва қонун эмас, балки белгилар ва рамзлар бошқаради”, деган сўзлари исботлайди. Ҳақиқатан ҳам жанговар байроқларда акс этган рамзлар миллатларни жипслаштиришга хизмат қилган ва фуқароларнинг ватанпарварлик туйғуларини жунбушга келтириб, юрти учун жонини ҳам аямай жангга киришга чорлаган. Рамзларнинг таҳқирланиши эса жиддий этник ёки давлатлараро можароларни келтириб чиқариши табиий. Ҳар икки ҳолат бўйича ҳам тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Умуман, инсон маданияти ва тафаккурининг ўзига хос кўриниши ҳисобланган рамзийлик қадимги мифологияда, турли динларда, санъатнинг архаик шаклларида кўзга ташланади. Қадимги Миср, Шарқ, Антик дунё, Ўрта асрлар ва Уйғониш маданиятини рамзийликнинг ўзига хос кўринишларисиз тасаввур этиш қийин.

Бир-биридан узоқ бўлган предметлар ўртасидаги “мувофиқлик” тамойили (масалан, маънавий ва моддий дунё ўртасидаги) воқеа-ҳодисаларнинг трансцендент алоқалари сифатида ўрта асрлар фалсафаси ва адабиётида анча жиддий тадқиқ этилган. Бундан ташқари, Мажозийлик Шарқ мумтоз адабиёти, Европа классицизми, барокко ва маърифатпарварлик даври санъатида ҳам кенг тарқалган.

“Адабиётшунослик луғати”да рамз “кўчим турларидан бири, фақат

шартли равишда ва шу матн доирасида кўчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси; образлилик тури”, деб таърифланади [1]. Ҳақиқатан ҳам рамз мажоз (аллегория)га яқин бўлиб, баъзи ҳолларда уларни бир хил ҳодиса, деб қараш ҳам мавжуд. Лекин уларнинг фарқи шуки, рамз контекст доирасида ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланиши мумкин. Рамзларнинг ҳақиқий маъноси –кўчма маъносини англаш учун контекстан шоир ёки ёзувчининг ҳаёт йўли, орзу ва интилишлари, асар ёзилишига туртки бўлган вазият ёки ижодкорнинг ўша пайтдаги руҳий ҳолатидан хабардор бўлиш талаб этилади. Рамз тушунчаси фақат санъатдагина эмас, меъморчилик, математика, физика, кимё, кибернетика, тилшунослик, фалсафа каби ижтимоий ва аниқ фанларда ҳам кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам ҳозирда символлар билан боғлиқ бўлган семиотика фани ҳам жадал ривожланмоқда. Символ кенг маънода белги тушунчасини англатади. Поэтик символ бадиий шартлилик воситасида нисбатан кенгроқ абстракт маънони ифода этади. Символ - белгида моҳият ва ифода ўртасида ички боғлиқлик бўлмайди. Фикримизни математика ёки физикада символлар мисолида исботлаш мумкин. Поэтик символ ёки рамзий образларда предмет билан маъно ўртасида ички, мантикий алоқа бўлиши шарт ҳисобланади.

Н.Тоирова – ФарДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси.

Ҳар қандай реалистик санъат ва адабиёт ҳам рамзий образларсиз мавжуд бўлмайди. XIX аср охири – XX аср бошларида ижод қилган символистлар бадий реализмдан, рамзлардан фойдаланганлиги билан эмас (чунки ушбу рамзлардан реализмда ҳам фойдаланганлар), балки соф ғоявий ўзига хосликлари билан фарқ қилганлар. Ҳеч ким Гоголнинг “Ревизор”идаги реализмга шубҳа билан қарамайди. Бироқ, ушбу асар XIX аср ўрталаридаги ислохотгача бўлган Россия амалдорларининг рамзига айланган. Бу рамзсиз “Ревизор” ўткир сатира бўла олмас эди. Асар сўнгидаги сўзсиз саҳна даҳшат ва кутилмаган ҳодисанинг рамзи бўлиб, адиб уни жуда пухта тайёрлаган (ҳатто қалам билан уларнинг қандай ҳолатда қотиб қолишларигача чизган). Император номи билан кириб келган жандарм эса комедияда тасвирланган “кичкина одамлардан” юқори турувчи давлат ҳокимиятининг рамзи сифатида гавдаланади [3.655].

Рамз ва мажоздан фойдаланиш борасида Дантенинг “Илоҳий комедия”си битмас-туганмас ҳазина ҳисобланади. Асарнинг бошланишида (“Дўзах” 1, 2-60) Данте ўзини ўрмонда адашиб қолганлигини тасвирлайди. Қоронғи ўрмон унинг учун инсон ҳаётининг рамзи ҳисобланади. Қўрқинчли ўрмонда у учта ҳайвон билан учрашади, булар: ёлғон, хоинлик ва шахватпарастлик рамзи қоплон; мағрурлик ва зўравонлик рамзи бўлган шер; маккорлик ва манманлик рамзи бўлган бўридир.

Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романида князь Болконский ўғлининг Рязандаги имениясига кетаётганда, кириб келаётган баҳор манзараси тасвирланади. Унда ёшараётган ва навқирон табиат кўйида эман акс эттирилган бўлиб, унинг ёши атрофидаги қайинлардан ўн баробарга катта, кенглиги шунчага ортиқ, улардан икки марта баландроқдир. Икки қулочга тенг бўлган дарахтнинг анча шохлари синиб кетган, битиб кетган эски жароҳатлари кўриниб турарди.

Унинг қари, баджаҳл, баҳайбат, қинғир-қийшиқ қўл-оёқлари ҳар ёнга тарвақайлаб кетган эди, унинг ёш, кулиб турган қайинлар орасида бўлиши ғайритабиийдек туюларди. Ёлғиз угина баҳорнинг келишига ва қуёшга бефарқ эди. Ушбу эман ўз туриши билан баҳор ҳам, муҳаббат ҳам, бахт ҳам “ахмоқона ва маънисиз ёлғон”, деб айтмоқчидай. Бошқа дарахтлар униб-ўсадилар ва ҳалок бўладилар, у эса қандай яшаган бўлса, шундай мангу яшашда давом этаверади. Маълум бўлишича, Толстой ушбу дарахтни князь Болконский ҳаётининг рамзи сифатида тасвирлаган.

Биз рамзни образли ифоданинг бир кўриниши сифатида бадий нутқда ҳаётӣ воқеа, тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз ёки сўзлар бирикмаси деб биламиз [2]. Лекин бугунги кунга келиб, рамз тор маънодаги сўз ва сўзлар бирикмасининг кўчма маънода қўлланишидан чуқур фалсафий мазмунни англатувчи матн даражасига кўтарилди. Ҳозирда рамзни инсон ва жамиятнинг абадий ва глобал муаммоларини қамраб олувчи ҳамда шартли равишда кўчма маъноларга таянувчи бадий матн кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин.

Замонавий адабиётда қўлланилаётган рамзий образлар нафақат бой ва хилма-хил, балки сирли ҳамда мураккаб эканлиги билан диққатга сазовордир. Ана шу рамзлар ортида яширинган мазмунни тўла англаш, ҳис этиш учун китобхондан бирмунча тайёргарлик, турли хил билимлардан хабардор бўлиш талаб этилади.

Демак, рамз ва мажоз тушунчалари ифода жиҳатдан яқин бўлса-да, улар ўртасидаги асосий тафовут рамзнинг матнда ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланиши, мажоз эса тасвирланаётган нарсани эмас, муаллиф кўзда тутган маънони англатиши билан белгиланади.

Ёзувчининг ассоциатив фикрлаш маҳсули бўлган рамзий образлар асарнинг ғоявий-эстетик таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Адабиётшунослик луғати (Д.Қуронов умумий таҳрири асосида). – Т.: Академнашр, 2010.
2. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
3. Гоголь Н. Повести. Пьесы. «Мертвые души». – М.: Художественная литература, 1975.

(Тақризчи: А.Қосимов, филология фанлари доктори).